

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24



Haqiqat online



haqiqatonline_

АЁЛ — МЕХР, МАТОНАТ ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

Олмалик шаҳридаги “Металлург” маданият саройида 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан маданий тадбир ташкил этилди. Унда вилоятимизнинг шаҳар, туманларида турли соҳаларда фаолият юритаётган, оилада, маҳаллада, жамоат ишларида ибрат кўрсатган фидойи аёллар иштирок этишди.

▼ Шукух



Тадбирда сўзга чиққан Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев аёллар жамиятининг маънавий устуни, оиланинг мустақкам таянчи эканини таъкидлаб, барча опа-сингилларни баҳорнинг энг гўзал айёми билан самимий табриклади.

— Тошкент вилояти хотин-қизлари азал-азалдан меҳнатсевар, яратувчан бўлишлари билан бирга, илм, адабиёт, санъат, қўйинги, барча жабҳаларда пешқадам бўлиб келганлар, — деди вилоят ҳокими Зойир Мирзаев. — Яқин

ўтмишда яшаб, ўз ҳаёти ва фаолияти билан катта ибрат намуналарини қолдирган Саодат Гулаҳмедова, Анастасия Чудная, Любов Ли, Зулфия Зокирова, Мунаввар Исоқова, Турсуной Охунова каби меҳнат ва матонат тимсоллари

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ 2026 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар туфайли инсон қадрини, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш, жамиятда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини, ижтимоий адолат тамойилларини мустақкамлаш йўлида улкан қадамлар ташланмоқда. Буларнинг барчаси қадимий тарих ва анъаналарга эга бўлган шарқона янги йил байрами — Наврўзи оламнинг инсонпарварлик моҳиятини, унинг бағрикенглик, саховат ва меҳр-оқибат каби азалий қадриятлари аҳамиятини янада юксалтирмоқда.

Сўнги йилларда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган том маънодаги тарихий ўзгаришларга мос ҳолда, маъно-мазмун тобора чуқурлашиб бораётган Наврўз айёмини барча шаҳар ва қишлоқларимизда, бутун юртимизда умумхалқ сайли сифатида, юксак ташкилий савияда ва кўтаринки руҳда нишонлаш мақсадида қарор қиламан:

1. 2026 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича **ташкилий кўмита** (кейинги ўринларда — Ташкилий кўмита) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ташкилий кўмита (А.Арипов) **бир ҳафта мuddатда**:
а) Республика Маънавий ва маърифат маркази, Маданият вазирилик, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва “Нуроний” жамғармасининг тақлифига кўра Наврўз умумхалқ байрамининг ғоявий мазмунини кучайтиришга оид концептни (кейинги ўринларда — Концепт) тасдиқласин;

б) Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлаш бўйича **“Наврўзни улуглаш — инсонни улуглашди!”** деган эзгу ғояни ўзда мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарбиёт тадбирлари дастурини тасдиқласин ва унинг амалга оширилишини таъминласин.

3. Жойларда Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган барча тадбирларни Концептда баён этиладиган асосий йўналиш ва тавсияларга мос ҳолда юксак даражада ташкил этиш, уларда юртдошларимизнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

а) байрам тадбирларини борлиқнинг уйғониши, инсон ва табиат ўрта-сидаги уйғунлик, она заминга меҳр ва эътиборни ифода этадиган, юртдошларимизни тинч ва осуда ҳаётимизни қадрлаб, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиб, шукроналик туйғуси билан яшашга чорлайдиган таъсирчан мазмун ва шаклда ўтказиш;

б) мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислохотлар, халқимизнинг кундалик ҳаёти, онги ва дунёқарашда юз бераётган ижобий ўзгаришлар, ўзаро бирлик ва ҳамжиҳатлик фазилатлари Наврўз кунларида айниқса яққол намоён бўлишини тарғиб этиш;

в) бу йилги Наврўз муборак Рамазон ҳайити байрами билан ҳамроҳанг тарзда нишонланиши унинг инсонпарварлик тамойилларини янада кучайтиришини инобатга олиб, кекса авлод вакилларини, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларини ҳар томонлама эъзозлаш, “Меҳрибонлик”, “Саховат” ва “Мурувват” уйларида яшаётган шахслар, ижтимоий химоя дафтарларига киритилган ва кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, улар учун байрам дастурхонларини ташкил этиш ҳамда турли хайрия тадбирларини маҳалла фаоллари, ёшлар ва хотин-қизлар вакиллари иштирокида уюшқоқлик билан ўтказиш;

г) “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, байрам арафасида барча ҳудудларда, кўча ва майдонлар, маҳалла, туман ва шаҳарларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларини ўтказиш, **“Мен ҳам кучат экман”** акцияларини, умумхалқ ҳашарларини ташкил этиш;

(Давоми 2-саҳифада) ▶



Xalqaro xotin-qizlar bayrami arafasida **Toshkent viloyatining** 13 ta hududida istiqomat qilayotgan 100 yoshdan oshgan 38 nafar onaxon holidan xabar olindi. Ularga viloyat hokimi Zoyir Mirzayevning bayram tabriknomasi va esdalik sovg'alari yetkazildi. Ushbu yo'qlovlar katta avlod vakillariga ehtirom ko'rsatish, ularning hayot tajribasini qadrlash va bayram quvonchini ular bilan baham ko'rishga qaratilgan bilan ahamiyatli bo'ldi.

Bosh vazir o'rinbosari Jamshid Xodjayev boshchiligidagi Hukumat komissiyasi viloyatimizning **Oqqo'rg'on tumaniga** tashrif buyurib, hududda amalga oshirilayotgan investitsiya loyihalarining holati va muammolarini o'rgandi. Har bir obyekt bo'yicha ishlab chiqarishni tezroq ishga tushirish, loyihaviy quvvatga chiqish va yangi ish o'rinlari yaratishga bevosita ta'sir qiluvchi amaliy masalalar joyida ko'rib chiqildi.

O'zbekiston Kasaba uyushmalari Federatsiyasi **Toshkent viloyati Kengashida** 8 mart — Xalqaro xotin-qizlar kuni munosabati bilan “Ayolga ehtirom” mavzusida bayram tadbiri o'tkazildi. Unda kasaba uyushmalari tizimida faoliyat yuritayotgan xotin-qizlar mehnatkashlarining ijtimoiy-iqtisodiy manfaatlarini himoya qilish orqali mamlakat taraqqiyotiga munosib hissa qo'shayotgani alohida e'tirof etildi. Yakunda tarmoq kasaba uyushma tashkilotlarida faoliyat yuritayotgan 55 nafar xotin-qizga tabriknoma va esdalik sovg'alari topshirildi.

Bosh prokuratura vakillari hamda 14 ta hududiy boshqarmalardagi ichimlik suvi va oqova xizmatida tegishli nazoratni olib boruvchi yo'nalish prokurorlari **“Qodiriya” suv inshooti** faoliyatini bilan tanishdilar. Jarayonda inshootning texnologik hamda ichimlik suvini tozalash va uzatish bosqichlari, shuningdek, oqova suvlarni qayta ishlash tizimlari ko'zdan kechirildi. Suv sifati ustidan olib borilayotgan laboratoriya nazorati, sanitariya talablari va texnik xavfsizlik masalalariga alohida e'tibor qaratildi.

“Hududgaz Toshkent” GTF boshlang'ich kasaba uyushmasi tashabbusi bilan **“Bo'stonliqtumangaz” gaz ta'minoti** bo'limining bir guruh ilg'or xodimlari O'zbek Milliy akademik drama teatrida “Yulduzli tunlar” spektaklini tomosha qilishdi. Bu kabi madaniy-ma'rifiy tadbirlar yil davomida boshqa tuman bo'limlari xodimlari uchun ham tashkil etilishi rejalashtirilgan.

YANGIYO'L tumanidagi “Xarrot Fish” MCHJ hududida baliqchilik sohasini yangi bosqichga olib chiqishga qaratilgan viloyat miqyosidagi seminar bo'lib o'tdi. Unda viloyat Veterinariya boshqarmasi hamda tuman bo'limlari rahbarlari, shuningdek, 80 dan ortiq baliqchilik xo'jaliklari vakillari ishtirok etishdi. Seminar davomida intensiv usulda baliq yetishtirish, ishlab chiqarish hajminini oshirish va mahsulot sifatini yaxshilash masalalari muhokama qilindi.

САХОВАТ, ОҚИБАТ ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ОЙИ

▼ Мурувват

Рамазон ойи асрлар давомида халқимиз маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутиб келган муборак ойлardan бири ҳисобланади. Бу ой нафақат рўза тутиш, сабр-тоқат ва ибодатлар билан, балки эзгу амаллар, саховат ва бағрикенглик билан ҳам ажралиб туради.



Рамазон ойида инсонлар бир-бирига янада меҳрибон бўлиб, муҳтожларга ёрдам бериш, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, савобли ишлар қилишга интилади. Азалдан **“Рамазон — саховат ойи”** деб бежиз айтилмаган.

2

Жаҳолатни енгиш йўли

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича кўмитаси ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида **“Жаҳолатга қарши маърифат билан”** шиори остида кенг кўламли тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

▼ Тарғибот

Навбатдаги учрашув вилоят судлари, Адлия бoshқармаси, Кадастр агентлигининг Тошкент вилояти бoshқармаси ҳамда Давлат кадастрлари палатаси Тошкент вилояти бoshқармаси раҳбарлари ва ходимлари иштирокида бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустақкамлаш, интернет тармоқларида тарқатилган сохта ҳамда ғаразли ахборотларга нисбатан танқидий фикрлашни шакллантириш ма-



салаларига алоҳида тўхталиб ўтдилар. Шунингдек, давлат ва дин муносабатларининг ҳуқуқий асослари, давлат хизматчиларининг бурч ва

масъулияти ҳақида ҳам батафсил тушунтиришлар берилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоб олдилар.

АЁЛ — МЕХР, МАТОНАТ ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ



Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда вилоятда 3 миллион 112 минг 529 нафар аҳоли истиқомат қилса, уларнинг 1 миллион 584 минг 900 нафарини, яъни 50,9 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Бугун улар турли соҳаларда самарали фаолият юритиб келмоқда. Хусусан, раҳбарлик лавозимларида 9 минг 736 нафар, тадбиркорлик соҳасида 7 минг 654 нафар, прокуратура органларида 12 нафар, суд тизимида 98 нафар, ички ишлар соҳасида 129 нафар, тиббиёт соҳасида 48 минг, ҳақиқат ҳужжалигида 22 минг, давлат идораларида 29 минг, таълим тизимида эса 38 мингдан зиёд хотин-қизлар меҳнат қилмоқда.

Айниқса, таълим соҳасидаги курсаткичлар эътиборлидир. 872 нафар профессор-ўқитувчи хотин-қизлардан 44 нафари фан доктори, 58 нафари фалсафа доктори, 35 нафари профессор, 234 нафари доцент илмий унвонлари эга. Бу эса илм-фан ривожига аёлларнинг муносиб ўрни борлигини тасдиқлайди.

Сиёсий жараёнларда ҳам хотин-қизлар фаол. 6 нафар аёл Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты, 1 нафари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, 160 нафари эса маҳаллий Кенгашлар депутати сифатида фаолият юритмоқда. Бу эса дав-

(Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада)

лат бошқарувида хотин-қизлар иштироки тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

Қайди этиш жоиз, шу кунга қадар вилоятимиздан 468 нафар аёл давлат мукофотлари билан тақдирланган. Кунга кеча яна 6 нафар фидойи аёлларимиз юксак эътирофга сазовор бўлди. Жумладан, "Дўстлик" ордени, "Шухрат" медаллари ҳамда "Зулфия" номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар орасида фермерлар, маҳалла фаоллари, тадбиркорлар, олимпиада санъат усталари борлиги аёлларимизнинг қай даражада серкирра эканини яна бир бор намоян этади.

Бугунги кунда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, таълим олиши, касб-хунар эгаллаши ва оилалар фаровонлигига ҳисса қўшиши учун шароит яратиш энг муҳим вазифалардан бири, — дейди "Шухрат" медаллари соҳибига, Қибрай туманидаги "Пуллат қадам" маҳалласи хотин-қизлар фаоли Шаҳноза Эргашева. — Биз маҳаллада хотин-қизлар билан ишлашда уларнинг муаммоларини тинглаш, иш билан таъмин-

лашга қўмаклашиш, ёш қизларни тарбиялаш ва оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Келгусида ҳам маҳалламиздаги ҳар бир хотин-қизнинг фаол бўлиши, ўз имкониятларини рўёбга чиқариши ва жамият тараққиётига ҳисса қўшиши учун бор куч ва ғайратимни сафарбар этаман.

Тадбир доирасида турли соҳаларда фаолият юритаётган бир гуруҳ хотин-қизларга "Муътабар аёл" кўкрак нишони тантанали топширилди.

— Қарийб 43 йилдан буён акушер-гинеколог сифатида фаолият юритиб келаман, — дейди Зангиота Тиббиёт бирлашмаси тугруқ бўлими мудири Дилором Мамаюсупова. — Шифокор учун ҳар бир она табассуми ва соғлом чақалоқ овози энг катта мукофот ҳисобланади. Билдирилган юксак ишонч ва "Муътабар аёл" кўкрак нишони билан тақдирланганим мен учун катта шараф ва масъулиятдир. Бу эътирофни фақат шахсий ютуқ сифатида эмас, бал-



ки соғлиқни сақлаш тизимида фидойилик билан меҳнат қилаётган барча шифокор ва тиббиёт ходимларининг меҳнатига берилган юксак баҳо деб биламан.

Шунингдек, кўп йиллардан буён турли соҳаларда ўз вазифасини сидқидилдан бажариб келаётган бир гуруҳ хотин-қизлар турли номинациялар бўйича вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Сидқидилдан қилинган меҳнатнинг эътирофи бошқача бўларкан, — дейди Халқ банки Тошкент вилояти филиали бошлиги ўринбосари Феруза Мирсаидова. — Фаолиятим давомида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаши, ўз бизнесини йўлга қўйиши ва доимий даромад манбаига эга бўлиши масаласи мен учун устувор вазифалардан саналади. Бугунги кунда қўллаб хотин-қизлар кредит ва молиявий қўмак орқали ўз тадбиркорлигини бошлаб, нафақат оиласи фаровонлигига, балки жамият ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Аёллар бандлигини таъминлаш, уларнинг иқтисодий фаолигини ошириш орқали оилалар барқарорлигини мустаҳкамлаш мумкин. Шу боис бу йўналишда амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳа ва ташаббус келажғимиз учун муҳим аҳамиятга эга.

Тадбир давомида вилоятимиз хонандалари ҳамда таниқли эстрада юлдузлари томонидан ижро этилган аёлларни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар барчанинг қалбига байрамона кайфият улашди. Тадбир сўнггида иштирокчиларга байрам совғалари улашилди.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Жалолиддин ЭСОНОВ,
Меҳридин ИБРАГИМОВ
олган суратлар

2026 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

(Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада)

д) жамиятимизда ҳукм сураётган миллатларaro дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш мақсадида юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва эллар вакилларининг миллий урф-одатлари, анъана ва қадриятларини кенг намойиш қилиш;

ж) байрам тадбирлари давомида хунармандчилик кўргазмалари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш, китоб кўргазмалари, арзонлаштирилган қишлоқ ҳужалиғи ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари, кўчама савдо дўконларини ташкил этиш, кўпма таомларини тайёрлаш ҳамда бу борада кўргазмали савдо ва танловларни уюштириш;

з) барча шаҳар ва қишлоқларда ўтказиладиган байрам тантаналарида, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, ҳар бир ҳудудда уни нишонлаш билан боғлиқ удум ва анъаналарни кенг ёритиш;

и) Тошкент шаҳридаги "Янги Ўзбекистон" мажмуасида алоҳида дастур асосида халқ сайилларини ташкил этиш.

4. Маданият вазирлиги (О.Назарбеков) Республика Маънавият ва маърифат маркази (О.Хасанов), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси (С.Саидов) билан биргаликда **бир ҳафта мuddатда** Концептга мувофиқ Тошкент шаҳрида Наврўз байрамига бағишлаб ўтказиладиган театрлаштирилган асосий концерт томошасининг дастурини ишлаб чиқсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) **бир ҳафта мuddатда** Наврўз умумхалқ сайилларини ўтказиш бўйича қуйидагиларни назарда тутадиган ҳудудий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

и) умумхалқ сайиллари уюштириладиган асосий майдонлар, кўча ва

ҳиёбонларни байрамона безатиш;

ii) сайил ва томошаларни маҳаллий тажрибали сценаристлар ва режиссёрлар, композитор ва бастакорлар, балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакиллари билан биргаликда юқори бадиий савияда тайёрлаш чораларини кўриш;

iii) байрам тадбирлари доирасида ҳар бир ҳудудга хос бўлган халқ уйинлари, томошалар, кўргазмалар ўтказиш, баҳор таомлари сотиладиган очик ошхоналар ташкил қилиш;

б) байрам дастурларини ва оммавий томошаларни тайёрлашда, кўчалар, майдон ва ҳиёбонларни безатишда малакали мутахассислардан иборат ижодий гуруҳларни кенг жалб этсин;

в) барча тадбирлар жамоат ҳавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилишини таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирларининг харажатлари:

а) **Тошкент шаҳрида** — республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда;

б) **Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда** — тегишли маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан қопланади.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Дунё" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2026 йил 6 март

Юртимизда ҳам ушбу муборак ойнинг маънавий руҳига мос равишда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжманд оилаларга қўмак бериш, инсонпарварлик тамойилларини амалда намоян этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг "Муборак Рамазон ойида эҳтиёжманд аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида"ги қаро-

махус ваучерлар тақдим этилди. Ушбу ваучерлар орқали уларга зарур тиббий амалиётларни амалга ошириш учун имконият яратилди. Бу эса қўллаб инсонлар учун катта умид ва ишонч манбаи бўлмоқда. Сабаби, баъзан тиббий амалиётлар катта маблағ талаб қилади ва бу барча оиланинг имкониятига ҳам тўғри келавермайди. Давлат томонидан ажратилаётган бундай қўмак эса уларнинг

Саховат, оқибат ва инсонпарварлик оғи

ри мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитини яхшилашда муҳим ҳужжат сифатида аҳамият касб этмоқда.

Ушбу қарор ижроси доирасида республика буйлаб кенг қўламли хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Тошкент вилоятида ҳам аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва ижтимоий барқарорлигини таъминлашга қаратилган бир қатор амалий ишлар ташкил этилди. Вилоят буйича кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 48 мингдан ортиқ фуқарога бир марталиқ моддий ёрдам пуллари ажратилди.

Таъкидлаш лозимки, ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари фақат моддий ёрдам билан чекланиб қолмапти. Давлатимиз томонидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оғир касалликлар билан курашаётган фуқароларга амалий ёрдам беришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, соғлиқини тиклашга муҳтож бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жарроҳлик амалиётига муҳтож 243 нафар беморга

(Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада)

саломатлигини тиклаш ва яна тўлақонли ҳаёт кечирishiларига хизмат қилмоқда. Муборак ойда амалга оширилаётган эзгу ишлар фақат давлат дастурлари билан чекланиб қолаётгани йўқ. Вилоятдаги раҳбарлар, мутасадди ташкилотлар ва фаоллар ҳам бу хайрли ишларга фаол иштирок этишмоқда. Улар хондонларга ташриф буюриб, оилалар билан сўхбатлашмоқда, уларнинг муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиб, амалий ёрдам кўрсатишмоқда.

Айниқса, Рамазон оғи муносабати билан бу каби тадбирлар нафақат моддий ёрдам кўрсатиш, балки инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибатни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Самимий сўхбатлар, дуо ва эзгу тилақлар билан кам таъминланган оилалар хондонларида ташкил этилаётган ифторлик дастурхонлари аҳоли қалбига катта мамнуният ва миннатдорлик туйғуларини уйғотмоқда.

Рамазон ойида амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар эса юртимизда инсонпарварлик, саховат ва бағрикенглик каби эзгу қадриятлар янада мустаҳкамланиб бораётганини кўрсатади. Энг муҳими, бу ишлар халқимиз қалбига бирдамлик ва ўзаро ишонч туйғуларини янада кучайтиради.

Ўткир ҲОШИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

"ОППОҚ"ДА УШАЛГАН ОРЗУЛАР

Ҳаёт баъзан инсонни турли синовлар қаршида қолдиради. Аммо шундай пайтлар бўладики, бундай вазиятлар инсонни синдирмайди, аксинча, иродасини янада мустаҳкамлайди. Нурафшон шаҳридаги "Оппоқ" маҳалласида яшовчи Шахло ва Садриддин Эргашевлар оиласи ана шундай матонатли инсонлардан.

▼ **Имконият**

Уларнинг иккиси ҳам 2-гуруҳ ногирони. Турмуш ташвишлари, моддий қийинчиликлар ва саломатлик билан боғлиқ муаммолар илгари Шахло Эргашеванинг орзуларини сундиргандек эди. Аммо у таслим бўлишни истамасди. Қўли гул, дилида ишонч бор аёл сунъий гуллар ясашни бошлади.

Дастлаб бу оддий машғулотдек туюлди. Аммо унинг ортида катта матонат, сабр ва оила фаровонлиги учун кураш ётар эди. Бугун эса у ясаган гуллар нафақат хондонларни беэзамоқда, балки рўзгорига даромад ҳам келтирмоқда.

Садриддин Эргашев эса видеоонтаж ишлари билан шуғулланишни йўлга қўйди. Илгари компьютер йўқ, иш жойи йўқ, имконият чекланган эди. Фақат хоҳиш ва истеъдод бор эди.

Оиланинг ҳолати маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим Ирода Ашурматова томонидан ўрганилди. 2025 йил март ойида оила камбағаллик реестрига киритилди. Шундан сўнг манзилли ёрдамлар кўрсатилди: болалар нафақаси тайинлан-

ди, психологик қўмак берилди, газ ва электр энергияси учун бир марталиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, иш жойи сифатида фойдаланиш учун маҳалласи биносидан алоҳида хоналар ажратилди. Садриддин учун зарур компьютер жамланмас олиб берилди.

— Фаолиятимни бошлашда ижтимоий ходим ва ҳоким ёрдамчисининг ёрдами катта бўлди, — дейди Шахло Эргашева. — Бугун тадбиркорлик орқали даромад топыамиз. Келгусида фаолиятимизни кенгайтириб, янги иш ўринлари яратишни режалаштиряман.

Ирода Ашурматова айтишича, Шахло маҳалланинг жонқуярига айлиниб улгурган. Шундан бўлса керак, маҳалла еттилиги билан кунда-кунора эшик тақиллатиб фуқаролар ҳолидан хабар олишга ошмади. Дарҳақиқат, бугун икки ярим минг оппоқликлар 400 та хондонда истиқомат қилади. Шундан, 50 нафар фуқаронинг ногиронлиги мавжуд бўлиб, уларнинг 23 нафари камбағаллик реестрига киритилган.



Бугун Шахло ва Садриддин оиласида бир нафар фарзанд вояга етмоқда. Бу хондонда ҳеч қандай оғир ҳис этмайди. Аксинча, ҳар тонг меҳнат, ҳаракат ва шукроналик билан бошланади. Шахло ясаган ҳар бир гул — сабр рамзи, Садриддин тайёрлаган видеоорликлар эса ишонч ифодаси.

Уйлаиб қолсан киши, баъзан тўрт мучаси соғ инсонлар ҳам кичик қийинчиликдан тушқунликка тушиб қолади. Аммо имконияти чекланган бўлса-да, руҳи баян инсонлар борки, улар ҳаётга бўлган муносабатимизга ойна тутайди.

Худудларда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни аниқлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва манзилли ёрдам кўрсатиш тизими амалда

ўз самарасини бермоқда. Бу фақат моддий қўмак эмас, инсоннинг ўз кучига ишонишига туртки.

Эргашевлар каби оилаларнинг ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар шунинг кўрсаткичи, давлат томонидан кўрсатилаётган беғараз ёрдамлар ва жойларда фидойилик билан ишлаётган ижтимоий ходимлар сазй-ҳаракатлари самарасидир. Энг муҳими, қўллаб-қувватлаш инсонни барамликка эмас, мустақилликка етаклайди. "Оппоқ" маҳалласида яшаётган бу хондон меҳнат ва умид тимсолидир.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири
Муаллиф олган суратлар

САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР – барқарор келажак кафолати

Нурафшон шаҳридаги Ёшлар марказида “Ёшларга оид давлат сиёсати: 2025 йилги натижалар ва 2026 йилги устувор вазифалар” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Семинар

Унда вилоят Ёшлар ишлари бошқармаси бошлиғи Нодир Ҳожиёв, O'zLiDeP вилоят кенгаши раиси Тўлқинжон Файзиев, соҳада масъул ташилотлар мутахассислари, партия фаоллари, депутатлар ҳамда оммавий ах-

шунингдек, 6 та ўқув марказида ижара асосида 3 минг нафардан ортиқ ёшлар хорижий тиллар ва замонавий касбларга ўқитилмоқда. Таъкидланишича, жорий йилда ташаббусли бюджет доирасида яна 4 та худудда

аниқ чора-тадбирлар амалга оширилади.

Тадбирда давлат томонидан ёшларга яратилаётган имкониятлар, янги имтиёзлар ва уларни амалга ошириш механизмлари хусусида ҳам фикр алмашилди.

– 2025 йилда Бекобод туманида ишсиз ёшларни аниқлаш ва уларни бандлик-



борот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда қайд этилганидек, бугунги кунда вилоятда 732 минг 600 нафардан зиёд ёшлар истиқомат қилади. Ёшлар билан ишлашда манзилли ёндашуви таъминлаш мақсадида улар “яшил”, “сарик” ва “кизил” тоифалар бўйича хатловдан ўтказилган. Айниқса, “огир” тоифага киритилган 9 минг 31 нафар ҳамда оталиққа олинган 5 минг 877 нафар ёш билан индивидуал ишлаш механизми жорий этилди. Натижада мазкур ёшларнинг бандлиги 100 фоиз таъминланди.

Тадбирда ёшларнинг билим олиши, чет тилларини ўрганиши ва замонавий касбларни эгаллаши учун яратилган шароитлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Хусусан, “Ибрат фарзандлари”, “Қизлар академияси”, “Устоз AI” каби лойиҳалар уларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Қайд этиш жоиз, бугун вилоятда 12 та “Ёшлар маркази” фаолият юритмоқда.

Ёшлар марказлари фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.

– Президентимизнинг 2025 йилда қабул қилинган қарорлари доирасида 500 га яқин ёшларга 60 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилди, – дейди вилоят Ёшлар ишлари бошқармаси бошлиғи Н. Ҳожиёв. – Натижада мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Албатта, эришилган натижалар билан чекланиб қолмаймиз. Олдинда яна муҳим вазифалар турибди. Жиноятчилик профилактикасини кучайтириш, ишсиз ёшларни манзилли бириктириш, тадбиркорликни кенгайтириш ва ёшлар инфратузилмасини янада ривожлантириш устувор вазифаларимиз бўлиб қолади. Келгусида ҳуқуқбузарликка мойил ёшлар билан ишлаш кучайтириш, 7 минг 119 нафар ишсиз ёшнинг манзилли бириктириш, 1 минг 950 нафар ёшга ер ажратиш, 100 мингдан зиёд ёшнинг мега-ло-йиҳаларга жалб этиш ҳамда 3 минг 450 нафар ёшга имтиёзли кредит ажратиш бўйича

ка жалб этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Хатлов натижасида 497 нафар ишсиз ёш аниқланиб, уларнинг барчаси иш билан таъминланди. Ёшларнинг тақлиф ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, айрим-айри субсидия асосида даст-гоҳлар билан таъминланиб, тадбиркорлик фаолиятига йўналтирилди.

– Жорий йилда худудда ўтказилган хатлов натижасида 39 минг 727 нафар ёшдан 755 нафари ишсиз эканлиги аниқланди. Айни пайтда улар билан манзилли иш олиб борилмоқда. Йил якунига қадар уларнинг бандлигини таъминлаш асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади, – дейди Бекобод тумани Ёшлар ишлари бўлими бошлиғи Исмоил Бобоев.

Шунингдек, тадбир сўнгида журналистларни қизиқтирган саволларга масъуллар томонидан жавоблар берилди.

Нигора ЎРОҚОВА,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири
Муаллиф олган суратлар



Вайдель ва Хрупалла зарбалардан «катта хавотир» билдириб, «Яқин Шарқнинг янги беқарорлашуви» Германия манфаатларига тўғри келмаслигини оголантирдилар.

Нидерландиялик таниқли сиёсатчи Вилдерс Хоманайнинг ўлимини олқишлади, баш вазир Стармернинг ре-акциясини «ачинарли» деб атади.

Руминия миллатчилари етакчиси Симмон: «ЗИР, Ве-

АҚШ-Исроил ўртасида ҳужумлар бошлангандан бери Эрон Ҳўрмуз бўғозини қамал қилиш билан таҳдид қилади. Дунё углеводород ташиш ҳажмининг қарийб 20 фоизи ўтадиган бўғозни ёпиш дағдағадан нарига ўтиши амримаҳол, дейди экспертлар.

Яқин тарихда на 2011, на 2018 ва на 2025 йилларда

жи”ни ракета ва дронлар билан жорий урушнинг қуролларидан бири сифатида кўрмоқда.

Нефть нархининг кўтарилиши АҚШ учун эса зарарли. Шу сабабли АҚШ унинг нефть объектларига зарба бермасликка ҳаракат қилмоқда. Бу эса амалда форсларнинг нефть қазиб олиш худудларини мамлакатдаги энг хавфсиз жойга айлан-тирмоқда.

Шу ўринда Хитой омилини эсдан чиқармаслик керакки, у ҳам ЗИР нефтининг асосий харидори, яъни денгиз йўллари хавфсизли-гидан энг кўп манфаатдор томон. ЗИР ва АҚШ ўртаси-

ЭРОН... ЕВРОПАНИ “ПАРЧАЛАДИ”

ўз ҳарбий базаларидан фойдаланишга рухсат беришдан бош тортиб, кейинроқ чекланган миқдорда бўлса-да, розилик билдирди. Испания бош вазири Санчес эса, ўз навбатида, ҳарбий зарбаларга қарши чиқиб, буни халқаро ҳуқуқ меъёрларининг бузилиши, деб атади.

2027 йилда ўтадиган президентлик сайловлари олди сўровномаларида пешқадамлик қилаётган Франциянинг «Миллий бирлашув» партияси эҳтиёткорона хайрихоҳлик позициясини эгаллади. Партия етакчиси ўринбосари Шеню: «Бир томонлама характер ёқ-маса-да, АҚШ ҳаракатларини қўллаб-қувватлаيمиз» деб муносабат билдирган бўлса, партия етакчиси Марин Ле Пен эса: «Франция ўз итти-фоқчилари ёнида туриб, ва-зиятга муносиб жавоб бериши керак», деди.

Унинг Венесуэла масаласидаги позицияси билан кескин фарқ бор: Мадуро билан боғлиқ вазиятда Ле Пен: «Давлатларнинг суверенитети – уларнинг ҳажми, қудрати ёки қайси қитъада жойлаш-ганидан қатъи назар, муҳо-кама қилинмайди», деб ёзиб чиққан эди.

Германияда вазият янада кескин. Мерцдан фарқли ўла-роқ «Германия учун альтер-натива» (AfD) ҳамраислари

несуэла ва дунёнинг бошқа нукталарида Трамп маъму-рияти эркин дунё хавфсизли-ги учун зарур бўлган ишлар-ни амалга оширмоқда», деб фикр билдирди.

Санчес Техронга ҳужум қилиш учун Испания ҳар-бий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво базаларидан фойдаланишни тақиқлаб, Трамп бунга жа-вобан Мадрид билан савдо алоқаларини тўхтатиш билан таҳдид қилди. Санчес эса дунё ўз муаммоларини қурол ёрдамида ҳал қила олмасли-гини таъкидлади.

ЕИ АҚШнинг Мадрид бил-лан савдонини тўхтатиш таҳ-дидига қарши жавоб чорала-рини кўришга тайёрлигини билдирди: «ЕИ келишувларни бажармоқда, қўллаб-Америка товарлари божсиз кириб кел-моқда».

ЗИР масаласи Европани “парчалади” дейиш муболаға бўлмас-да, бу вазият ЕИ ичидидаги инқироз бошқаруви ва қарор қабул қилиш тизими-даги бўшлиқларни кўрсатиб берди. Иттифоқ иқтисодий жиҳатдан бирлашган бўл-са-да, ҳарбий, геосиёсий ва ташқи хавфсизлик масалала-рида ҳали ҳам миллий ман-фаатлар умумевропа манфа-атларидан устун келмоқда. Бу эса Европанинг глобал куч си-фатидаги таъсирини камайти-ришга олиб келади...

КИМГА ФОЙДА, КИМГА ЗАРАР

мазкур сув йўли ёпилиши кузатишга. Ҳарбий-денгиз кучлари қўмондони адми-рал Сайёрий ўша пайтда “Ҳўрмуз бўғозини тўсиб қў-йиш бир пиёла сув ичишдан осонроқ”, деб иддао қилган эди.

Техроннинг бўғозни тў-сиб қўймоғи учун ҳарбий имконият етарли. АҚШнинг иддао қилишича, ЗИРнинг барча йирик ҳарбий кема-ларини денгизга қўқуриб юборган, бор-йўғи кичик турли қайиқлари қолган, хо-лос.

2025 йилда Форс кўр-фази давлатлари ҳисса-сига жаҳон “қора олтин” қазиб олиш ҳажмининг қарийб 30 фоизи ва та-бийий газнинг 20 фоизи тўғри келган. Техроннинг таҳдидидан сўнг нефть нархи кескин кўтарилиб, бир баррель учун 82 долларни ташкил этди. Кейинчалик нарх ўйнай бошлади.

Жаҳон бозорига 4,5 фоизлик улушга эга бўл-ган нефть экспорт қилу-вчи давлат сифатида ЗИР учун нархлар кўтарилиши ҳар қандай ҳолатда ҳам манфаатлидир. Ўтган ҳафт-а БААнинг нефть қазиб олиш платформасига дрон зарбаси шуни кўрсатиб-ди, Техрон “ёқилги шанта-

даги кескинликнинг маълум бир нуктада тўхташи ёки улар ўртасида қандайдир парда ортда келишув бор-дек. Мана шу “ХХР факто-ри” ҳал қилувчи роль ўйна-ши мумкин.

Ҳўрмуз бўғозининг тўси-лиши сабабли яқин орада Форс кўрфазидидаги араб дав-латларида озиқ-овқат тақ-чиллиги кузатилиши эҳти-моли катта. Бу давлатлар озиқ-овқат импортига 80–90 фоиз боғлиқ бўлиб, ушбу савдонинг 70 фоизи ҳозирда Ҳўрмуз бўғози орқали ўтади.

Бўғоз шунчаки сув йўли эмас, балки дунё энергия хавфсизлигининг “артерия-си”дир. ЗИР ҳарбий, балки психологик ва иқтисодий бо-сим қуроли сифатида фой-даланмоқда, аммо уни тўлиқ ёпиб қўйса, бу Техроннинг ўзи учун ҳам сиёсий жиҳат-дан ўта хавфли қадам бўлиб қолади.

Ҳўрмуз бўғози атрофида-ги воқеалар – бу катта геоси-ёсий ўйиннинг бир қисми. ЗИРнинг мақсади бўғозни бутунлай ёпиш эмас, чунки бу глобал урушга сабаб бўла-ди. Балки “назорат остидаги тартибсизлик” орқали ўз сиё-сий шартларини ўтказиш ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга интилади...

Абдор ХОН,
халқаро шарҳловчи

Шахсий фикр

ТЕЗ ЁРДАМ: СИРЕНА ОРТИДАГИ САВОЛЛАР

Сўнги йилларда юртимизда барча соҳалар қатори тиббиёт тизими ҳам сезиларли даражада ривожланиб бормоқда. Илгари фақат хорижда бажарилиши мумкин, деб қаралган мураккаб жарроҳлик амалиётлари бугун ўзимизда, ўз мутахассисларимиз томонидан муваффақиятли амалга оширилмоқда. Чирчиқ шаҳрида республика тиббиёти тарихида илк бор Сиам эгизакларини бир-биридан ажратиш, шунингдек, буйрак кўчириш каби ўта мураккаб жарроҳлик амалиётларининг муваффақиятли ўтказилгани бунга яққол мисолдир. Замонавий, янги тиббий ускуналар, хорижда малака ошириб келаётган шифокорлар – буларнинг барчаси тизимдаги ижобий ўзгаришлардан далolat беради.

Бирок ривожланиш ҳақида гап кетганда, фақат ютуқларни санаб ўтиш етарли эмас. Ҳар қандай тизимнинг ҳақиқий аҳволи унинг энг орқилки нукталарида намоён бўлади. Афсуски, тиббиёт соҳа-сида шундай бир хизмат борки,

у ҳанузгача жамиятда энг кўп савол, эътироз ва норозилик уй-ғотиб келмоқда. Бу – тез тиббий ёрдам хизмати.

Тез ёрдам – инсон ҳаёти кўпин-ча дақиқалар билан ўлчанадиган вазиятларда чақириладиган хиз-

мат. Унинг кечикиши оғир оқибат-ларга сабаб бўлиши мумкин. Шу боис бу хизмат тизим ичиде энг тезкор, энг аниқ ва энг масъули-ятли бўлиши керак. Аммо кунда-лик ҳаётда бунга доим ҳам гувоҳ бўлавермаймиз.

Бир оғайним билан шу мавзу-да гаплашиб қолдим. У бошидан ўтган бир воқеани айтиб берди:

“Яқинда қаттиқ шамоллаб, уйда ётиб қолдим. Дастлаб од-дий шамоллашдек туюлган ҳолат борган сари оғирлашди: тана ҳа-рорати кўтарилди, нафас олиш қийинлашди, кучли ҳолсизлик пайдо бўлди. Ноилож тез ёрдамга кўнгироқ қилишга мажбур бўлдим.

Гўшақнинг нариги томонидан оператор одатий оҳангда сало-млашиб, саволларни бера бошла-ди. Ҳолатимни тушунтирган экан-ман, беморнинг исм-фамилияси, ёши, олдин шундай ҳолат бўл-ган-бўлмагани ҳақида сўралди. Эҳтимол бу саволлар касаллик-нинг ҳолатини аниқлашда ёрдам беради. Аммо аҳволнинг оғир, на-

фас олиш қийин, гапиришга куч зўрга етаётган пайтда ҳар бир қў-шимча савол вақтни чўзаётгандек туюлар экан. Шу пайт ич-ичимдан беҳитиёр бир ўй ўтди: бу савол-лар тез ёрдамнинг қачон етиб келишига таъсир қиладими ёки йўқ?

Оператор билан сўхбат якун-лангач, кута бошладим. Ўн дақиқа ўтди – жимлик. Йигирма дақиқа ўтди – дарак йўқ. Қирқ дақиқа ўтди, аммо эшик томондан бирор товуш эшитилмади. Хайрият, ка-салим қандайдир жиддий эмас экан. Акс ҳолда, бу кутувнинг оқибати нима билан туғашини та-саввур қилиш қийин эмасди. Шу дамда аёлимнинг “Такси чақи-риб шифохонага бораёйлик” деган таклифига дарров кўнмаганимга ич-ичимдан афсусландим.

Сабр тоқатим тугаб, яна 103 рақамини тердим. Бу сафар бош-ча оператор жавоб берди. Илк кўнгироқдан бери қарийб қирқ дақиқа ўтгани, тез ёрдам ҳали келмаганини айтдим. Оператор томонидан мурожаатлар кўпайиб

кетгани, имкони борича тезроқ юборилаётгани маълум қилинди. Аммо “имкон қадар тезроқ” деган ибора ҳам аниқ вақтни аниқла-мас экан. Яна йигирма дақиқача вақт ўтди. Сабр косам тўлиб, такси чақириб, шифохонага йўл олишга ҳозирланаётган пайтимида эшик кўнгироғи жиринглади. Тез ёрдам қарийб бир соатдан кейин етиб келган эди.

Ичимда аччиқ кулги пайдо бўлди: бир соатда келадиган “тез ёрдам” ҳам бўлар экан.

Афсуски, атрофга қулоқ тут-сангиз, шунга ўхшаш воқеаларни кўп эшитасиз. Кимнингдир онаси юрагидан шикоят қилади, ким-нингдир боласи тунда иситмалаб қолади, кимнингдир яқинлари ҳу-шини йўқотади. Бундай пайтда ҳамма ягона умид билан теле-фонни қўлига олади: тез ёрдам тезроқ етиб келсин. Аммо бу кўп ҳолларда узоқ ва изтиробли ку-тувга айланади. Ҳар бир товуш-дан, ҳар бир машина овозидан умид қилинади. Аммо дақиқалар ўтади, вақт чўзилади, тез ёрдам эса келавермайди.

Шу кутув давомида йўқотилган сониялар нималарга олиб кел-ганини ким ҳисоблайди? Кутиб ўтириб аҳволи кескин оғирлаш-ган беморлар йўқми? Ёки ёрдам кечиккани сабабли ҳаётдан кўз юмганлар бўлмаган, деб кимдир қаролат бера оладими?

Қўллаб соҳаларда ривожлан-ган давлатлар тажрибасига тая-намиз. Тез тиббий ёрдам маса-ласида ҳам бундай қиёс жоиз. Масалан, Германия, Япония ёки Жанубий Кореяда тез ёрдам бригадаларининг чақирувга етиб келиш вақти қатъий меъёрлар билан белгиланган. Аҳоли зич худудларда бу кўрсаткич ўртача 8-10 дақиқадан ошмаслиги шарт. Операторлар саволларни қар-та ва аниқ беради, ҳолат дарҳол устуворлик даражасига кўра баҳоланади. Энг муҳими, ҳар бир

кечкиш қайд этилади ва таҳлил қилинади. Бу тизимда кечикиш оддий ҳол эмас, балки муаммо, кези келганда жиноят сифатида қаралади.

Бизда эса кечикиш кўпинча одатий ҳолга айлангандек. Йўл тирбандлиги, бригадалар етиш-маслиги, худудларнинг кенглиги, асоссиз чақирувлар сабаб қилиб кўрсатилади. Албатта, буларнинг барчаси муаммо. Аммо оддий фуқаро учун сабаблар эмас, на-тижа муҳим. У тез ёрдамни баҳо-лар экан, ҳисобот ёки изоҳлар-ни эмас, эшик қачон очилганини эслаб қолади.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эъ-тибор қаратиш лозим. Тез ёрдам фақат шифокор ва машинадан иборат эмас. Бу бутун жамият иштирок этадиган тизим. Йўлда тез ёрдамга йўл бермаётган ҳай-довчи ҳам, бош оғриш ёки шунга ўхшаш енгил касаллик билан тез ёрдамни банд қилаётган фуқаро ҳам бу тизимнинг секинлашиши-га ҳисса қўшади. Аммо булар-нинг барчаси тизимни оқлаш учун етарли асос бўлмайди.

Тез ёрдам қачон тез бўлади? Қачонки чақирувларни қабул қи-лишдан тортиб, бригада етиб келгунига қадар бўлган барча жа-раён аниқ режа ва қатъий назор-ат асосида ишласа. Қачонки ке-чиккиш оддий ҳол сифатида қабул қилинмаса. Қачонки инсон ҳаёти ҳар қандай баҳона ва сабабдан устун қўйилса.

Мухтасар айтганда, тез ёрдам номи билангина эмас, амалда ҳам тез бўлиши керак. Акс ҳол-да у шунчаки кечиккан ёрдамга айланиб қолаверади. Бугун бу саволни бандд овозда бериш вақти келди: биз тез ёрдамни қач-он чин маънода тез қиламиз? Жавоб қатори эса мутасаддилар-га мунтазир.

Сухробжон САДИРОВ,
“Тошкент ҳақиқати”
шарҳловчиси



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

**TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI**



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir o'rinbosari,
nashr uchun mas'ul:

Suhrobjon SADIROV

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

To'xtamurod HASANBOYEV

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV

Qabulxonasi:

(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkentshaqiqati@uamail.uz

Bosishga topshirish vaqti - 20:00.

Bosishga topshirildi - 21:20.

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-235.

8 383 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudko'jayev

tomondan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxonasi manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Ёш китобхон оила

▼ Танлов



Кучли интеллектуал салоҳият, кенг мутолаа ва пухта тайёргарликни талаб этган ушбу нуфузли беллашувда иштирокчилар билим ва зеҳн синовидан ўтишди. Мурасасиз баҳслардан сўнг энг кучли китобхон оила аниқланди.

“Ёш китобхон оила” танловининг республика босқичида Чирчиқ шаҳридан иштирок этган Эшонкулловлар оиласи 1-ўринни қўлга киритди.

Ғолиб оилга “Президент совғаси” – BYD автомобили тантанали равишда топширилди.

Бундай танловлар юртимизда китобхонлик анъаналарини мустаҳкамлаш, оилаларда мутолаа муҳитини шакллантириш ва ёш авлодни билимга чорлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўз мухбиримиз

Мамлакатимизда китобхонлик маданиятини кенг тарғиб этиш, илмга чанқоқ ёшлар ва китобсевар оилаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилаётган “Ёш китобхон оила” танловининг 2025 йилги республика босқичи якунига етди ва энг билимдон оилалар номи маълум бўлди.

▼ Рамазон ҳикмати

Бир синфдошим бор эди. Отаси “катта жой”да ишлар, бадавлат яшашар эди. Маҳаллада биринчи бўлиб телевизор олишган эди. Синфдошим яхши ўқирди. Еттинчи синфни битирган куни мотоцикли бўлди. Мактабни олтин медал билан тугатди.

Йиллар ўтди. Бир куни кўришиб қолдик.

ШУҚР ҚИЛГАН...



– Ишлар қалай? – десам, зарда билан қўл силтади:

– Расво! Домлам ўлгудек мараз!

Номзодлик ишмини чўзиб ётибди.

Йиллар ўтди. Тагин кўришдик.

– Ишлар қалай?

– Расво! Ўғлим кўп ичади. Кеча

яп-янги машинанинг пачагини чиқариб

келди!

Йиллар ўтди. Яна кўришдик.

– Ишлар қалай?

– Расво! Қўзимнинг турмуши но-

тинч. Қайнонаси ёмон. Судлашмоқчи-

ман.

Йиллар ўтди. Синфдошим бетоб

деб эшитдим. Шифохонага борсам,

ранги бир ҳолатда ётибди.

– Соғлиқ қалай?

– Расво! Қанд касали деган пала-

кат адойи-тамом қилди. Ўлиб-ўлмай-

ман, тузалиб-тузалмайман!

Тавба, деб гапирай-ку, фа-

ришталар омин деган эканми,

узоққа бормади, бечора... Яна

бир синфдошим бор эди. Отаси

урушдан яримжон бўлиб қайтган,

тўкилиб кетай деб турган кулбада

туришарди. Яхши ўқирди. Лекин

медалга “илинмади”.

Йиллар ўтди. Бир куни кўришиб

қолдик.

– Ишлар қалай?

– Худого шуқр, яхши! Мебел фаб-

рикасида ишлаяпман. Кундузи ду-

радгорлик қиламан. Кечаси уч кунда

бир қоровулман. Яқинда велосипед

олдим.

Йиллар ўтди. Тагин кўришдик.

– Ишлар қалай?

– Худого шуқр, яхши! Ўғлим ўқишни

битириб, чет элга ишга кетди.

Йиллар ўтди. Яна кўришдик.

– Ишлар қалай?

– Худого шуқр, яхши! Қўзим фар-

занд кўрди. Неварамга бешик олишга

кетяпман!

Йиллар ўтди. Синфдошим бетоб

деб эшитдим. Худди ўша, бошқа синф-

дошим ётган шифохонада экан. Ранги

бир ҳолатда.

– Соғлиқ қалай?

– Худого шуқр, яхши! Буйрак жин-

дай шамоллабди. Берган дардига

шуқр!

Яқинда уни тагин кўрдим.

– Ишлар қалай?

– Худого шуқр, яхши! Тўнғич не-

варамнинг бўйи чўзилиб қолди. Худо

хоҳласа, беш-олти йилда неварга куёв

қўраман. Тўйга келсан-а?!

Ўткир ҲОШИМОВ
“Ярим аср дафтери”
китобидан

▼ Яхши хабар

**Фозила
Мусаева –
Гран-при
соҳиб**



1-5 март кунлари Қирғизистон Республикасининг Бишкек шаҳрида VII халқаро “БАЛА-ЧАК – 2026” танлов-фестивали бўлиб ўтди. Унда турли давлатлардан келган иқтидорли ёш ижрочилар ўз маҳоратини намойиш этдилар.

Мазкур нуфузли танловда Қўрай туманидаги 2-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабининг 5-синф ўқувчиси Фозила Мусаева ҳам муваффақиятли қатнашди. У ўз чиқиши билан ҳакамлар хайъати ва то-

мошабинлар эътиборини қозониб, танловнинг мутлақ ғолиби деб топилди ҳамда энг юқори мукофоти – Гран-при совринига сазовор бўлди.

Мазкур ютуқ Тошкент вилоятида санъат ва ма-

даният соҳасида таълим олаётган ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар самара бераётганини яна бир бор намойиш этди.

Ўз мухбиримиз

▼ Жамият

Инсон ҳаётида энг улугъ неъмат – бу оила. Айниқса, бола учун оилавий муҳит, меҳр ва эътибор унинг камолоти, руҳий ҳолати ҳамда келажакка бўлган ишончида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис сўнгги йилларда болаларни меҳрибонлик уйларида олиб, оила бағрида тарбиялаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки бола меҳрини ҳис қилиб улғайса, жамиятга ҳам меҳрли инсон бўлиб ётишади.

НУРАФШОННИНГ МЕҲР ҲОВЛИСИ



Нуррафшон шаҳридаги “Муқимий” маҳалласида яшовчи Раъно Бозорова ана шундай эзгу мақсадни амалга оширган фидойи оналардан. У 2025 йилнинг октябрь ойида ўз хонадонида “Баркамол авлод” номли оилавий меҳрибонлик уйини ташкил этди. Бу қарор ортида катта жасорат, сабр ва меҳр мужассам эди.

Раъно опа Иля (17 ёш), Баҳодир (17 ёш), Багдан (16 ёш), Артур (14 ёш), Диана (13 ёш) ва Муҳаммаджон (6 ёш) каби 6 болани ўз бағрига олди. Унинг ўзининг ҳам бир ўғил ва қизи бор. Илк кунларда болаларнинг мослашув жараёни осон кечмади. Ҳар бири турли кечмиш ва хотиралар билан келган эди. Бироқ уйдаги самимий муҳит, сабр-тоқат ва доимий эътибор туяйли болалар тез орада бир-бири билан чиқишиб ке-

тишди. Бугун улар бир дастурхон атрофида жам бўладиган, байрамларни бирга нишонлайдиган аҳил оилга айланишган.

– Бу қарорни қабул қилганимда, осон бўлмаслигини билардим, – дейди Раъно Бозорова. – Ҳар бир боланинг қалбига йўл топиш, унинг дардини ҳис қилиш, ишончини қозониш катта масъулият, ахир. Илк кунларда болалар кўпроқ жим юрар, эҳтиёткор қарашарди. Уларга вақт керак эди. Мен шошилмадим. Ҳар куни улар билан суҳбатлашдим, қўллаб-қувватладим, кичик ютуқларини ҳам рағбатлантирдим. Мен учун энг таъсирлиги уларнинг илк бор “Она” деб чақирган пайти бўлди. Бу сўзни эшитганда, барча қийинчиликлар унутилди. Албатта, баъзида келишмовчиликлар ҳам бўлади, лекин биз уларни

суҳбат ва тушуниш орқали ҳал қиламиз. Ҳозир барча болалар мактабга борапти. Дарсдан сўнг турли тўғарақларга бориб, қизиқиш ва қобилиятларини ривожлантиришмоқда.

Раъно опа болаларга кўпроқ вақт ажратиб мақсадда асосий ишдан бўшаб, тadbirkor аёл сифатида кичик тикув цехи очди. Цехда 3 нафар аёлнинг бандлиги таъминланган.

Болалар билан суҳбатлашдик. Улар ҳам янги ҳаётдан мамнун эканликларини яширишмади, бу уларнинг кўзларидан кўриниб турарди. Улар оила муҳитида яшаш ўзгача эканини таъкидлашди. Биргаликдаги суҳбатлар, қўллаб-қувватлаш, байрам ва оддий кунлардаги илиқлик уларга куч ва ишонч бағишламоқда.

– Бу ерда ўзимни ҳақиқий

уйдагидек ҳис қиламан, – дейди Диана Ҳўжаева. – Ҳар кунимиз мазмунли ўтади. Эрталаб бирга нонушта қиламиз, сўнг ўқиш ва турли машғулотлар билан шуғулланамиз. Бўш вақтларимда онамдан таом тайёрлашни ўрганаман. Улар менга пазандалик сирларини, уй-рўзгор ишларини ўргатадилар. Энг муҳими, бу ерда меҳр ва ғамхўрликни ҳис қиламан. Ўзимни керакли, қадрли инсон деб биламан. Келажакда яхши ўқиб, орзуларимга эришмоқчиман.

Албатта, болани меҳрибонлик муассасасидан олиб, оила муҳитида тарбиялаш катта масъулият талаб қилади. Бироқ бундай муҳит боланинг руҳий ва ижтимоий ривожланишида бекиёс аҳамиятга эга.

Раъно Бозорованинг саъй-ҳаракати шуни кўрсатадики, бир она қалбидеги меҳр бир нечта боланинг тақдирини ўзгартира олади. Оилавий меҳрибонлик уйлари эса болаларни жамиятга муносиб, ишончли ва бахтли инсонлар этиб тарбиялашда муҳим қадамдир. Чунки ҳар бир бола меҳрга, эътиборга ва “она” деган муқаддас сўзни айтиш бахтига муносибдир.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда Тошкент вилоятида шу каби 34 та оилавий болалар уйи фаолият юритаётган бўлиб, уларда 56 нафар бола тарбияланмоқда. Бу оддий рақамлар эмас, унинг ортида ўнлаб тақдирлар, орзулар ва умидлар мужассам. Энг муҳими, бу болалар катта муассаса деворлари орасида эмас, балки оила бағрида, меҳр ва ғамхўрлик муҳитида вояга етмоқда.

Нозима РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Меҳрибон ИБРАГИМОВ
олган сурат